



1 OKTYABR — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ХУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов замонамизнинг улуг сиёсатчиси, узокни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган буюк шахс сифатида бутун дунёда юксак обрў-этибор қозонган эди. Хорижий мамлакатларнинг давлат ва сиёсат арбоблари, фуқаролари у кишининг вафотини чуқур қайғу билан қабул қилди, халқимизга ҳамдард бўлди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига хурмат бажо келтириш мақсадида 12 сентябрь кuni Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вази-фасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти вази-фасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳида Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига хурмат бажо келтирдилар. Ислам Каримов руҳи покларига Куръон тиловат қилинди.

Нурсултон Назарбоев Ислам Каримов қабридан дўсти бўлганини, бир-бири-ни ҳаммаша яхши тушунгани ва қўллаб-қувватлаганини, биргаликда халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаганини, Президентимиз Ўзбекистонда тинчлик ва фаровонлиқни таъминлаганини алоҳида таъкидладилар.

— Ўзбекистонликларнинг барча авлодлари Ислам Каримовни хурмат билан ёлға олишига ишончим комил. Унинг улугвор мероси, давлат раҳбари сифатидаги фаолияти Ўзбек халқи, Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди, асрлар давомида ўрғинади. Ўзбекистоннинг тикланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши унинг номи билан боғлиқ. Ислам Каримов Ўзбек халқини, Ўзбекистонни замонавий дунёга танитди. Биз ана шундай буюк инсондан айрилдик, — деди Қозоғистон Президенти.

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислам Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вази-фасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги

шартнома, 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар асосида тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вази-фасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга халқимизнинг буюк фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига хурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф меҳр-оқибат ва аҳилик айёми — Курбон ҳайити кунларида амалга оширилгани Ислам Каримов билан Нурсултон Назарбоевнинг муносабатлари, дўстлиги юксак даражада бўлганини намоён этди. Бу дўстлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорликка асос бўлганини, бундай яқин муносабатлар бундан кейин ҳам изчил давом этишини алоҳида таъкидладилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, унинг иқтисодиёти ва сиёсатини белгилаб берган улуг давлат арбоби, Ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги лидер бўлганини алоҳида таъкидладилар. Ислам Каримов халқро анжуманларда ҳар доим ҳал қилувчи ўрин тутганини, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаганини, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги бу алоқаларни изчил давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ни-хоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.



ЖОНКУЯР ВА ФИДОЙИ ЎҚИТУВЧИ

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ўқитувчи ва мураббийларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Устозларга қўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси Гули Мухаммадзонова фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда.

Г.Мухаммадзонованинг мактабда ўқиб юрган кезларида-ноқ ўқиши, интилиши, билимларни ўзлаштириши бўйича аниқ фанларга иштиёқи баланд экани ақлоқ намоён бўлди. Бу интилиш уни Тошкент архитектура-қурилиш институти сари етаклади. Ёш мутахассис бир неча йил мобайнида «Фотон» акциядорлик жамиятида фаолият кўрсатди. 2002 йилдан бошлаб коллежда сув-газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва ишлатиш фани бўйича ўқувчиларга дарс бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан таълим соҳасида бошланган ислохотлар, жумладан, ўқитишнинг муҳим тизими — умумий ва олий таълимни узро боғловчи мутлақо янги йўналиш — ўрта махсус, касб-хунар таълимининг жорий этилиши бутун халқимиз, кенг жамоатчилик, барча ота-оналар, устоз ва мураббийлар каби Гули опани ҳам бефарқ қолдирмади.

— Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»-ги қонун ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилиниб, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилгани ўз самарасини бермоқда, — дейди Г.Мухаммадзонова. — Ушбу

моделнинг принципиал хусусияти шундаки, умумтаълим мактабиди 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи ёки академик лицейда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган икки-уч мутахассислик бўйича касб-хунар ҳам эгаллайди.

Гули Мухаммадзонованинг бу борадаги ҳам назарий, ҳам амалий қарашлари, таҳлил ва изла-нишлари касб одоби ва хизмат кўрсатиш маданиятига доир бир қатор услубий қўлланма ва на-мунавий дастурларда ўз ифода-сини толган. Бу қўлланмалар ўрта махсус таълим масканлари ўқувчилари учун касб маҳорати-ни шакллантириш, ишлаб чиқа-риш корхоналарида мутахассис-лар учун қўйиладиган асосий та-лаблар, меҳнат интизомини, муо-мала маданияти, жамоада ўзини тутиш, кўпчилик билан ишлаш каби муҳим масалаларга оид кўникмаларни пуқта эгаллаш им-конини бераётир.

Турли семинарларда Г.Мухаммадзонованинг тажри-баси, махсус фанларни ўқитиш методикаси ҳамкасбларида катта қизиқиш уйғотди. Унинг айтишича, коллежининг лабо-раторияси, устакхона ёки кичик цехидаги ўқув-амалиёт жараён-лари битирувчиларнинг меҳнат жамоаларида дадил иш бош-лашига яхши туртки беради.

2012 йилда Ўзбекистон — Германия қўшма лойиҳаси асо-сида коллежга янги ўқув жи-ҳозлари ўрнатилди. Ушбу ус-қуналарни ўрнатилиши назарий билимларни бевосита амали-ёт билан уйғунлаштиришга хиз-мат қилмоқда.

— Билим масканимизда тўксондан ортиқ педагог фаоли-ят кўрсатади, — дейди Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи директори Илҳом Исмолов. — Ёшларнинг ўз та-лаған касбига меҳрининг орти-шида, битирувчиларнинг иш би-лан таъминланишида, меҳнат жа-моаларида ҳурмат қозонишида Гули опа сингари фидойи ўқиту-вчиларнинг ҳиссаси беқиёс.

Коллежда турли ишлаб чи-қариш корхоналари, фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Билим маска-нидаги йўналиш ва ихтисослик-лар бўйича тўлиқроқ маълумот олишда «Очиқ эшиклар кuni», «Касблар фестивали» каби тад-бирларда педагогнинг ижодий ёндашувлари, коллеж ўқувчи-ларини касбга қизиқтира оли-шига доир ташаббуслар яхши натижа бермоқда.

Ёшлар қалбида Ватанга му-ҳаббат, миллий кадриятлари-мизга ҳурмат, меҳнатсеварлик ва атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш туй-ғуларини сингдираётган жонку-яр ўқитувчи 2015 йил Ўзбеки-стон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов фармонида мувофиқ «Шўхрат» медали билан мукофотланди. Бу эътироф устозни баркамол авлод тарбиясидаги фаолияти самаралорлигини янада оши-ришга ундамоқда.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙТИДА ЎҚИНГ!

Сиёсий-ҳуқуқий билим

дунёқарашни кенгайтиради

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўри-танловининг Чирчиқ шаҳар босқичи ўтказилди.

www.xdp.uz



Дзюдо бўйича ёзги Паралимпия ўйинлари чемпиони Ўткиржон Нигматов.

Айни кунларда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида қизгин давом этаётган XV ёзги Паралимпия ўйинла-рида дунёнинг 176 мамлакати вакил-лари спортнинг йигирма икки тури бўйича 528 комплект медаллар учун баҳс юритишяпти.

Унда Ўзбекистон паралимпиячи-лари дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг турлари бўйича юртимиз шарафини химоя қилмоқда. Ҳозиргача еттига олтин, бешта кумуш ва ўн тўртта бронза медалини қўлга киритган ҳамюртла-римиз умумжамоа ҳисобида жами йигирма олти медаль билан 176 давлат вакиллари орасида 10-погонани эгаллаб турибди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг пленуми тўғрисида ахборот

2016 йил 17 сентябрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VI пленумини ўтказиш мўлжал-ланган. Унда Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти сайло-вида партиянинг иштироки, сайловчилар имзоларини йи-гишни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқи-лади.

Пленумда Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти сайло-вида Ўзбекистон ХДПнинг му-носиб иштирокини таъмин-лаш, шунингдек, сайловчилар-нинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича партия таш-килотлари олдида турган ва-зифалар муҳокама этилади.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палата-сидаги партия фракцияси аъзолари, минтакавий партия кенгашлари раҳбарлари, ОАВ вакиллари иштирок этади.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати.

ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

■ Маҳаллий Кенгашларга Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар аҳолига тиббий хизмат сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Туман Кенгаши сессиясида

партиямиз гуруҳи таклифлари қўллаб-қувватланди

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари бу борадаги қонунлар, давлат дастурлари ижроси устидан депутатлик назоратини олиб бормоқда.

Хусусан, яқинда халқ депутатлари Амударё туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи ҳудуддаги поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, уларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ишларини ўрганди. Ютуқ ва камчиликларни таққослаб, таҳлил қилди. Айтиш керакки, масалани атрофлича ўрганиш мақсадида йил бошида белгиланган чора-тадбирлар асосида мониторинг олиб борилди. Унинг натижалари сессияга киритилди.

Маълум бўлишича, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси 2013 йил реконструкция қилинган. Мазкур поликлиника Амударё тумани, шунингдек, Манғит шаҳридаги бир қанча маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳолига хизмат кўрсатади.

Бу ерда ҳозирги кунда 96 шифокор, 138 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият олиб бормоқда. Жаҳон банки кредити ҳисобидан «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида туман марказий шифохонаси ва кўп тармоқли поликлиникаси замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан таъминланди. Бу эса тиббий

хизмат сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

— Ҳозирги кунда барча ҳудудларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Патронаж ойлиги» ташкил этиляпти. Ушбу тadbир давомиди шифокор ва ҳамширалар оилаларга чиқиб, аҳолининг саломатлиги, турмуш тарзини ўрганипти, — дейди туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари Мақсуд Саъдуллаев. — Лекин аҳолининг тиббий маданиятини ошириш масалаларига эътиборни янада кучайтириш ҳаёт талаби бўлиб қоляпти. Хусусан, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария, реабилитация тadbирларининг сифат ва самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш зарур.

— Оналарнинг саломат бўлиши, соғлом боланинг дунёга келиши, қомил инсон бўлиб улғайиши кўпгина омиллarga боғлиқ. Бунинг учун, аввало, оилда соғлом турмуш тарзи қарор топиши керак, — дейди туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Баҳром Мамаинов. — Назорат-таҳлил давомида



У.А. Сурат

ташвиқот тadbирлари кам ўтказилган ҳудудларда бу борада айрим муаммолар кўзга ташланди. Масалан, эрта турмуш қуриш ҳамда никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш масалаларида эътиборсизликка йўл қўйилляпти. Бундай ҳолатлар кейинчалик жиддий муаммоларни келтириб чиқариши, она ва бола саломатлиги, қўйингки, инсон тақдири хавф остида қолиши мумкин.

— Туманда тез тиббий ёрдам хизмати замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш мақсадида муайян ишлар бажарилган, — дейди туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Нилуфар Давлатова. — Тез ёрдам кўрсатувчи техника воситалари доимо қақирувга тайёр, тиббиёт

Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария, реабилитация тadbирларининг сифат ва самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш зарур.

ходимлари зарур доридармон ва бошқа воситалар билан таъминланган. Натижада тумандаги чекка маҳаллаларда истиқо-

мат қилаётган аҳолига ҳам зарур пайтда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиляпти.

Бироқ назорат-таҳлил давомида айрим даволаш-профилактика муассасаларида моддий-техник базани мустаҳкамлаш, доридармон, бир марталик тиббий воситалар билан таъминлаш ишларини янада яхшилаш кераклиги маълум бўлди. Шунингдек, шифокорлар малакасини ошириб бориш, ёш кадрларга шароит яратиб бериш, битирувчиларнинг амалиётини самарали ташкил этиш йўналишларида ҳам ўйлаб кўриладиган масалалар бор.

Сессияда ЎзХДП гуруҳи аъзолари аҳоли, аниқс, аёллар, болалар, ногиронлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш муҳим

масала эканини алоҳида қайд этишди. Соғлом авлод вояга етиши учун яратилган шароитларни янада яхшилаш, бу борада қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди. Аҳолига малакали, тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди. Шунингдек, тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлиги ва кадрлар малакасини оширишга доир қатор таклифлар берилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Унга кўра, туман тиббиёт бирлашмаси зиммасига «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, профилактик тadbирлар самарадорлигини ошириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича тарғибот-ташвиқот тadbирларини изчил олиб бориш вазифаси юклатилди. Туман Кенгаши депутатлари ўз сайлов округларида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ишлари бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириши кераклиги белгиланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ХДП гуруҳи таклифлари сессияда қўллаб-қувватланди. Бу электорат манфаатларини ҳимоя қилишда, ижтимоий масалалар бўйича партия позициясини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

— Иккинчи синфда ўқийдиган ўғлимни қўшимча дарсга бермоқчи эдим. Унинг тўлов миқдори, қай тартибда амалга оширилиши ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

Малика ЮЛДАШЕВА,
Анджон вилояти.

Нигора ЭШМЕТОВА,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар
Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси:

— Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарорига асосан умумий ўрта таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган. Унга кўра, гуруҳларда 25-30 нафар ўқувчи бўлиши мумкин. Тўлов эса ҳар бир ой учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида белгиланган.

Имтиёзлар масаласига келсак, узайтирилган кун гуруҳларига қатнайдиган болалар умумий сонининг 15 фоизи доирасида кам таъминланган оилалар фарзандлари тўловдан озод қилинади. Уларнинг рўйхати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган оиланинг мулкый аҳоли ва кам таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳамда умумий ўрта таълим муассасаси ота-оналар қўмитасининг хулосасига асосан аниқланади.

Яна бир муҳим масалани айтиб ўтиш лозим. Тўлов ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан муассаса ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Ота-оналар томонидан шартнома шартларининг лозим даражада бажарилмаслиги, шу жумладан, тўловнинг шартномалда белгиланган миқдорда узли сабабларсиз тўланмаслиги боланинг узайтирилган кун гуруҳларида қолишини тўхтатиш учун асос бўлади.

Шунингдек, тўлов ўқув йили давомида ҳар ойнинг ўнинчи санасидан кечиктирмасдан тижорат банки орқали исталган шаклда амалга оширилади. Ота-онанинг ёзма аризасига асосан, боланинг узайтирилган кун гуруҳига қатнаши вақтинчалик ёки бутунлай тўхтатилдиган тақдирда, тўлов тўлиқ бўлмаган ой учун, яъни бола амалда узайтирилган кун гуруҳига қатнашадиган кунлар учун тўланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, боланинг ўзи ёки оила аъзоларининг касаллиги, карантин, шунингдек, ота-оналарнинг меҳнат таътили пайтида ёки бошқа сабабларга кўра, бола узайтирилган кун гуруҳига кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган тақдирда, ота-онанинг ёзма аризасига асосан, ушбу кунлар учун олинган амалга оширилган тўлов кейинги ойлар учун тўловда ҳисобга олинади.

Юқорида айтиб ўтилган низомдан бошқа саволларингизга ҳам жавоб олишингиз мумкин.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

■ ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Мурожаатларда кўтарилган масалалар

депутатлар ёрдамида ўз вақтида ҳал этиляпти



Жамоатчилик қабулхоналари электорат мурожаатларини ҳал қилишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўз вақтида кўриб чиқиб, ҳал қилиш орқали кенг жамоатчилик билан узвий алоқа ўрнатилляпти, жойларда юзага келаётган муаммолар бартараф этиляпти.

Бухоро вилоятида Ўзбекистон ХДПнинг 13 Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида уларга 736 мурожаат тушди. Мурожаатларнинг 130 дан ортиғи

коммунал соҳа, 141 таси бандлик, 40 дан зиёда ҳуқуқий маслаҳат, 28 таси пенсия, ижтимоий нафақа масалалари билан боғлиқ. Айтиш керакки, мурожаатларда кўтарилган масалаларни

ҳал этиш борасида Бухоро шаҳар ва Вобкент туман партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари ибратли фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Вобкент туманидаги Жамоатчилик қабулхонасига 50 га яқин мурожаат тушган бўлиб, уларнинг аксари янги ижобий ечим топди.

Мурожаатлар асосан ижтимоий соҳадаги масалалар юзасидан бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, яқинда партия фаоллари ва депутатлар йиғилишида Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятини кучайтириш масаласи муҳокама этилди. Кўчма қабулларни мунтазам ташкил этиш бўйича режа ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишда туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзолари Ғулом Жўраев, Тилов Бобоев ҳамда Ғолиб Амонов алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Фурқат Абдуллаев истеъмол кредити олиш учун ҳужжат тайёрлаш масаласида ёрдам сўраб келди. Унга кредит олиш тартиби, қайтариш йўллари ҳусусида атрофлича маълумот берилди. У Халқ банкининг Вобкент туман филиалидан истеъмол кредити олди.

Яқинда Жондор туманидан Ойбек Шукруллаев боғдорчилик қилиш учун ер майлони олишда амалий ёрдам сўраб, Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этди. Туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлари масалани атрофлича ўрганиб чиқишга ер ресурслари давлат кадастри мутахассисларини ҳам жалб этишди. Фуқаронинг оилавий тadbиркорлиги ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича илгари сурган ташаббуси қўллаб-қувватланди ва унга боғдорчилик билан шуғулланиш учун ер ажратилди.

Олот туманидаги Жамоатчилик қабулхонасига Собир Қодиров суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлашдаги узилишларни бартараф этиш тўғрисида мурожаат қилди. Олот туман Кенгаши депутати Муборак Рўзиева туман газ корхонасига депутатлик сўрови билан чиқди. Натижада масала ижобий ҳал этилди.

Сиёсий партияни халққа яқинлаштирадиган, нуфузини оширадиган энг муҳим восита электорат манфаатини ҳимоя қилиш, ишончини қозонишдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида уларга 736 мурожаат тушди. Уларнинг 130 дан ортиғи коммунал соҳа, 141 таси бандлик, 40 дан зиёда ҳуқуқий маслаҳат, 28 таси пенсия, ижтимоий нафақа масалалари билан боғлиқ.

Жойлардаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат беришда Ўзбекистон ХДПнинг Жамоатчилик қабулхоналари муҳим ўрин тутмоқда. Бу имкониётдан тўлақонли фойдаланиш учун ҳар бир партия кенгаши, депутатлик гуруҳи ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб, меҳнат қилиши талаб этилади.

Меҳриддин АСЛОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Бухоро
вилоят кенгаши бўлим мудри.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

КОМБИНАТ ТАШАББУСИ БИЛАН

Навоий кон-металлургия комбинати томонидан Кармана туманидаги «Металлург» санаторий-профилакторийсининг замонавий даволаш корпуси бунёд этилиб, икки миллиард сўмлик замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.



— Муассасамиз 200 ўринли бўлиб, бу ерда дам олувчиларни сув ва балчиқ билан даволаш ҳамда бошқа самарали муолажалар орқали соғломлаштириш йўлга қўйилган, — дейди бош шифокор Дилмурод Рўзиев. — Мукамал таъмирланган ётоқхона мажмуасида эса ишчи-хизматчилар ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилди.

— Ҳар йили ўнга яқин соғломлаштириш масканлари қурилмоқда. — дейди НКМК бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондик Санақулов. — Келгуси йилда Зомин тоғлари бағрида комбинатнинг 100 ўринли сиҳатгоҳ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, турли ижтимоий соҳа объектлари бунёд этилади.



Зарафшон шаҳрида Навоий кон-металлургия комбинати ташаббуси билан «Она ва бола скрининг маркази» қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу марказни қуриш ва жиҳозлаш учун 1 миллиард 200 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. — Аввал шаҳримизда бундай марказ мавжуд эмас эди, — дейди 13-умумий ўрта таълим мактаби директори Зилола Ҳотамова. — Ҳомиладор аёллар икки соатдан зиёд йўл босиб, вилоят марказига боришга мажбур бўларди. Яратилган қулайликдан ҳаммамиз, айниқса, ёш оналаримиз жуда хурсанд.

Шунингдек, комбинат ёрдами билан Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида сув билан даволаш профилакторийси, Заркент қўғонига эса болажонлар учун аквапарк қуриб берилди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Бола тарбияси — масъулиятли ва машаққатли вазифа. Бутун халқнинг, ҳар бир фуқаронинг иштироки, жонқуярлиги туфайлигина кўзланган натижага эришиш мумкин.



КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Халқимизнинг азалий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда тарбиянинг «оила — мактаб — маҳалла» тамойилини ҳаётга таътиқ этиш юзасидан изчиллик билан иш олиб борилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки бола оилада камол топади, мактабда таълим-тарбия олади, маҳалла бағрида улғаяди. Оилада тўғри тарбия олса, мактабда намунали ўқувчига айланади, маҳалласида бошқаларга ибрат бўлади.

Ота-онанинг феъл-атвори, ахлоқи-одоби, дунёқараши, ўзаро ва ўзгаларга муносабати бола ақлини таниган пайдан бошлаб, кўз олдида муттақил содир бўладиган, уни ўйлашга, ёшга ҳам ҳулосаларидан чиқаришга мажбур қиладиган ҳаётий жараёнлардир.

Агар ота оқил-дон, билимли, меҳрибон, жонқуяр, фидойи, қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли, кўни-қўшиларига ғамхўр ва эътиборли, она хушмуомала, ширин сўз, пазанда, саранжом-саришта бўлса, уларнинг ўзаро муносабатида ҳурмат ва эҳтиром балки турса, бундай оилада ҳаётга ва дунёга соғлом назар қарайдиган маънавий етук фарзандлар камол топади.

Маълумки, фарзандлар тарбиясида оналарнинг хизмати бекиёс. Лекин ёлғиз ўзи болаларининг тўлиқ маънадаги тарбиясис бўлмайди. Сабаби, аёлнинг юрагиде кечиримлилик устувор. Боласининг нуқсонларини кўриб-кўрмасликка олади, айбини хас-пўшлашга уринади. Бирорта ноҳўя қилиги учун кизи ёки ўглини қойи-ганда ҳам меҳри сезилиб туради. Бу онанинг айби эмас. Балки, фазилати. Тақдир уни шундай яратган.

У давлат ва жамоат арбоби бўладими, қорхона раҳбари ё тадбиркор бўладими, шифокор ё ўқитувчи бўладими, барибир мана шу хислатини сақлаб қолаверади. Шунинг учун ҳам фақат она тарбиясини олган ўғил-қизнинг феъл-атвори, ҳаётга муносабатида маълум маънада кемтиклик ва нуқсон мавжуд бўлади. Қўшнинг эркин парвози учун қўш қанот зарур бўлганидек, тарбия жараёни ота ва она томонидан баварар амалга оширилгандагина мукамалликка эришиш мумкин.

Шарқда қадим-қадимдан отанинг фарзандлар олдида обрўси-хурмати беҳад юксак бўлган. У фақат боқувчи сифатида эмас, гурули ва мард инсон, ҳимоячи ва паноҳ сифатида ҳам фарзандларига ибрат ва таянч ҳисобланади.

Биз бугун мураккаб бир замонда яшаймиз. Озод юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, улуғ аждодларнинг ҳурматини жойига қўйиш, эзгу анъаналарни давом эттириш борасида кенг қўлам-ли, узок даврга мўлжалланган дастурлар амалга оширилаётган бир пайтда халқимизнинг жаҳон ҳам-жамияти билан алоқаси ҳам кун сайин ривожланиб бормоқда.

Дунё дегани — фақатгина турли халқлар, эллар, элатлардан иборат эмас, у бир-бирига ўхшамайдиган, ҳатто, бир-бирини инкор

этадиган турли маданиятлар, урф-одатлар, қарашлар макони ҳамдир. Фан-техниканинг тараққиёти иқтисодий юксалишларга қанчалик самарали хизмат қиладиган бўлса, маънавий-маърифий соҳаларга бир қадар ўзининг салбий таъсирини ҳам ўтказмоқда. Ахборот технологиясининг ривожини, теле ва радиоканаллар, интернет тармоқлари жаҳон ақлининг энг сўнгги янгилликлардан, воқеалардан хабардор қилиш билан биргаликда, хилма-хил мафқураларнинг мақсад ва ғояларини ҳам тарғиб этаётди.

Онг, эътиқоди эндигина шаклланиётган авлоднинг уларнинг зарарли таъсиридан сақлаб қолиш, тўғри йўлдан бошлаш, ёмонлик нима, яхшилик нима, ағлатиш осон иш эмас. Буни фақат таълим муассасаларининг зиммасига юклаб қўйиш ҳам нотўғри.

Мана шу ўринда отанинг ўғил-қизлари билан доимий мулоқотда бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Улар билан чин юракдан суҳбатлашиш, ғўр ва содда фикрларини тушуниш, кўнглини оғритмасдан шунга яраша муомала қилиш, саволларига жавоб бериш ҳам тарбиянинг муҳим йўналишларидан биридир.

Болалар қуруқ насиҳатдан кўра, ҳаётий мисолларга бой, ибратли воқеа-ҳодисаларга боғланган мисолларни, уларнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида фикрларни эшитишни, имкони борича ўзининг муносабатини ҳам билдиришни яхши кўради. Шу тарздаги суҳбатни уларнинг кўнглида из қолдиради, онгига сингади.

Албатта, отанинг ўғил болалар билан тил топиши осон кечади. Бу ўринда унинг ҳаётий малакаси, боланинг неча ёшда нималарга қизиқиши, кимлар билан дўстлашиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввур ва тажрибаси қўл келади. Бир қадар, деганимизнинг сабаби шундаки, ота билан бола яшаган даврлардаги шарт-шароит, ҳаёт ва тирчилик ташвишлари, инсоний муносабатлар бир-биридан фарқ қиладди. Лекин турмушнинг мақсад ва моҳияти, инсоннинг ўзи яшаётган жамиятдаги ўрни сингари қўлпал масалаларда умумий нуқта назарни топиш, бугунги кун, келажак ҳақида бемалол фикрлашлари мумкин.

Аммо отанинг ўз кизи билан тил топишиши бирмунча мураккаб кечади. Чунки табиатнинг марҳамати кўра, қиз бола бошқа оламнинг вақили, ҳаёт тарзи, турмуши, тушунчаси ўртасида маълум тафовутлар мавжуд.

Лекин бир ҳақиқатни эсдан чиқармаслик керакки, ўғил болага қараганда, қиз бола ота-онага анча меҳрибон бўлади ва ўзи ҳам шунга яраша меҳр, эътибор талаб қиладди. Бошқача қилиб айтганда, қиз боланинг кўнглида қайсидир даражада оналик туйғуси мужасам бўлади.

Масаланинг яна бир нозик томони шундаки, болаларнинг ўсмирлик йиллари энг нозик ва хатарили давр ҳисобланади. Оилада,

мактабда тўғрилиққа, ҳалолликка, меҳнатсеварликка, ростгўйликка илҳос руҳида тарбияланган қиз ёки ўғил ёши жихатидан катта ҳаёт оstonасига яқинлашаётган пайтда ўқиган ва ўқанларига нисбатан ҳақиқий ҳаётнинг анчагина мураккаб эканини ўз кўзи билан кўради.

Бир пайтлар фақатгина тиниқ осмон, нурли ўқлар, зангори кенгликлар тимсолида чексиз ва беғубор кўринган турмушнинг ўзига яраша ачиқ-чучуқлари, тўқис ва нотўқис томонлари борлигидан, ҳаёт рост ва ёлгон, адолат ва адолатсизлик, маърифат ва жаҳолат, кучли ва кучсизнинг ўзаро курашларидан иборат эканини пайқайди. Гоҳида ёлгоннинг ростдан, адолатсизлиқнинг адолат устидан ғолиб чиққанини кўрганда эсанкираб қолади, шу аснода руҳий мададга, таскин-тасаллига муҳтож бўлади. Кимнингдир нега шунақа эканини, ҳақиқий ҳаётнинг кинода кўрганларидан, китобда ўрганганларига нима учун тўғри келмаслигини тушунириб беришини истади.

Ўғил болалар нисбатан эркин ва фаол эканлиги туфайли тенгқўрлар, дўстлари орқали ёки ёши катталарнинг даврасига аралашганда, ўз саволларига жавоб олгандек, тўғрими, нотўғрими, ишқилиб, бир ечимини топгандек бўладилар.

Қизлар учун эса бу оғир кечадир. Чунки тенгдошларининг билими, савияси, ҳаёт ва дунё ҳақидаги тушунчаси ўзиникидан фарқ қилмайди, ёши каттароқлар эса кўпинча улар билан бу масалаларда суҳбатлашини ўзларига эп кўрмайдилар. Оналар эса қиз болага жамиятнинг эркин ва мустақил азёсидан кўра, кўпроқ бўлажак уй бекаси сифатида қараганлари учун, унинг саволларига ҳам фақат шу тарафдан жавоб беришга ҳаракат қиладди.

Болалар қуруқ насиҳатдан кўра, ҳаётий мисолларга бой, ибратли воқеа-ҳодисаларга боғланган мисолларни, уларнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида фикрларни эшитишни, имкони борича ўзининг муносабатини ҳам билдиришни яхши кўради. Шу тарздаги суҳбатни уларнинг кўнглида из қолдиради, онгига сингади.

Холбуки, бугунги даврда қизларимизнинг орзулари бўйларидан баланд. Мустақиллигимиз берган бахт, эркинлик ва имкониятдан фойдаланиб, чўқур билим олишни, касб-хўнар ўрганишни, олий маълумотли мутахассис бўлишни, жамият ҳаётида фаол қатнашишни, мамлакатимизни юксалтиришга ўз ҳиссаларини қўишни, ҳаётда инсон сифатидаги, фуқаро сифатидаги ўрнини топишни истайдилар. Ўзининг иқтидори ва салоҳиятини намоён этиб, меҳнати ва интилишларининг роҳати ва самарасини кўриш учун ҳаракат қиладилар.

Катта ҳаётга кириб бориш эса қиз бола учун осон кечмайди. Замонлар ўтиши билан эскирган, миллий қадрият эмас хурофотга айланган айрим ақидалардан тортиб, Фарбнинг эркин дунёсидан кириб келаётган халқимизнинг турмушига, тафаккури ва удумлирига мутлақо ёт бўлган янгича русумлар ҳам уларни чалғитиши, ҳатто, ҳаётини издан чиқариб юбориши мумкин.

Шунинг учун ҳам оталар уларнинг турмуш тарзи, нималарни ўқийгани, кимлар билан мулоқот қиладигани, ким билан дўст тутгани, кимдан ибрат олаётганини яқиндан билишлари зарур. Бу қизлар кун сайин янгиланаётган, ўзгараётган ҳаётга, ўзлари учун давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитга, демократик жамият ва бозор иқтисоди оцаётган эркинликларга қайси нуқтаи назардан қараётгани, бу моддий ва маънавий неъматлардан қандай фойдаланишни режалаштираётгани, ўзини келгуси ҳаётга қандай тайёрлаётгани билан қизиқиш, мана шу қалтис даврда уларга ҳамдам, маслаҳатқўй ва мадад бўлиш, хатоларини тузатиш, тўғри йўлни кўрсатиш ҳар бир ота-онанинг зиммасидаги бурчдир.

Мана шу ўринда онанинг, айниқса, ҳаётнинг ташвиши ва машаққатлари билан ҳамнафас яшаётган отанинг қизи билан мулоқоти, суҳбатлари, унинг бугунги кун, келажак, дунё ва жамиятдаги янгиланишлар, ўзгаришлар ҳақидаги саволларига ўз тушунча ва тажрибалари мисолида берган жавоблари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Яъни, оқил ота билан суҳбатлашган қиз миллий қадриятларимизнинг бизнинг асрлар оша келган маънавий меросимизни асраш борасидаги қиммати ва аҳамиятини, айти пайтда биз

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ИШГА БОРИШ ВА КЕЛИШ

иш кунининг бир қисми
ҳисобланади



Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ишга бориш ва қайтиш учун кетадиган вақт-ни иш кунининг бир қисми, деб тан олди. Tjournal.ru сайти маълум қилишича, бу фақат махсус иш жойига эга бўлмаган кишилар — энагалар, чилангарлар ва чақирув асосида ишловчи бошқа касб эгаларига тааллуқлидир.

Энди Европа Иттифоқидаги иш берувчилар ходим олишда келиб-кетишга кам вақт сарфлайдиган, яъни яқин жойда турладиган кишиларни танлашга мажбур бўладилар.

ИТАЛИЯ СОҲИЛЛАРИ ЯҚИНИДА

3,5 мингга яқин
қочқин қутқариб
қолинди



Ўтган дам олиш кунлари Италия соҳилбўйи қўриқлаш хизмати Ўртаер денгизда 3,5 минг ноқонуний муҳожири қутқариб қолди, деб хабар бермоқда «Интерфакс» ахборот агентлиги.

10 сентябрда Италия томон сузиб кетаётган кемалардаги 2,3 минг одам қутқариб қолинганлиги.

Август ойида эса Ливия қирғоқлари яқинида 120 дан кўпроқ муҳожир қўқиб кетганди.

ЭНГ БАЛАНД ОСМА КЎПРИК қуриб битказилди



Дунёдаги энг баланд осма кўприк — Бэйпаныэян кўприги Хитойнинг Гуйчжоу вилоятида қуриб битказилди. «Новости Экспресс» сайти хабарига кўра, 570 метр баландликдаги бу кўприкнинг узунлиги 1 минг 314 метрни ташкил этади. Хитой томони маълум қилишича, бу рекорд кўрсаткич ҳисобланади.

Қурилиш ишлари 2013 йилда бошланиб, қарийб 150 миллион доллар сарфланди.

Ушбу иншоот Чжэцзян вилоятидаги Ханчжоу ва Юньнань вилоятидаги Жуйли шаҳарларини боғловчи йўлнинг бир қисми бўлади.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РИО — 2016

■ Хамюртларимиз жами йигирма олти медаль жамғарган ҳолда 176 давлат вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида 10-поғонани эгаллаб турибди.

ФУТЗАЛ

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ДУРАНГ ЎЙНАДИ

Колумбияда футзал бўйича ўтказилган жамғарган ҳолда ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари дастлабки очко-ни кўлга киритди.

Нуфузли мусобақада дунёнинг энг кучли йигирма тўрт давлати терма жамоаси 6 гуруҳда бўлиб ҳолда ғолиблик учун баҳслашмоқда. Хар бир гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ҳамда энг яхши кўрсаткич билан учинчи ўринни эгаллаган тўртта жамоа плей-офф босқичида иштирок этди.

Чемпионатда Колумбия, Португалия ва Панама терма жамоалари билан «А» гуруҳида тўп сураётган мамлакатимиз футболчилари дастлабки ўйинда панамаликларга 1:3 ҳисобида имкониятни бой берган эди. Гуруҳдаги иккинчи баҳсда терма жамоамиз аъзолари колумбияликларга қарши майдонга тушди.

Ўйин бошланиши биланоқ ҳужумга эътибор қаратган футболчиларимиз 5-дақиқада Жавлон Аноровнинг рақиб дарвозасига йўлаган аниқ зарбаси эвазига ҳисоби очди. 15-дақиқада Дилшод Ирсалиев ҳам колумбияликлар дарвозасини ишғол қилди — 2:0. Орадан уч дақиқа ўтиб мезонлар вакили Хорхе Абрил ҳисобни қисқартирган бўлса, 28-дақиқада Нодир Элибоев ҳисобни 3:1 кўринишга келтирди. Аммо ўрашув аяқланишига санокли дақиқалар қолганда Колумбия терма жамоаси аъзоси Ангелот Каро иккита голга муваффиқлик қилди ва жамоасини мағлубиятдан қутқариб қолди.

Учрашув 3:3 ҳисоби билан аяқланди. Айни пайтда терма жамоамиз ҳисобида бир очко бор. Футзалчиларимиз навбатдаги ўйинни 16 сентябрь кўни Португалия терма жамоасига қарши ўтказди.

Б.АЙТМУРДОВ,
Ў.А. МУХБИРИ.

Кўҳна ва навқирон
Марғилон шаҳрида иккинчи «Атлас байрами» фестивали ўтказилди.

Ўйиб фестивал миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва тарғиб қилиш, ҳунармандлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, туризмни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга йўналтирилган.



Марғилон — асл атласлар шаҳри

Фестиваль доирасида «Хунармандлар шаҳарчаси» деб номланган амалий санъат буюмлари ярмаркаси, халқ сайли, аския ва катта ашула ижрочиларининг концерт дастури, дорбозлик ва кўғирчоқбозлик томошалари, девзира гуручиди ош тайёрлаш танлови ўтказилди.

Республикамизнинг барча вилоятларидан келган хунармандлар иштирок этган ўқув амалий машғулоти Ўзбекистон Республикаси Санъатшунослик институти тасвирий санъат бўлими мудирини, академик Акбар Ҳақимов олиб борди.

Марғилон тарихий музейи залларида «Хорижий матолар: дунё кўчалари» тўқимачилик намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Унда Япония, Франция, Бангладеш, Хиндистон, Эстония, Латвия, Украина, Озарбайжон сингари кўплаб мамлакатларнинг миллий либослари, табиий ип ва матодан кўл меҳнати усулида яратилган каштачилик асарлари ўрин олди.

Музей кўргазмалар залида латвиялик расом, гобелен устаси Ивета Весенаненинг «Ховлида» мавзусидаги асарлари ҳам намоиш этилди.

— Асарларим Париж, Нью-Йорк, Токио кўргазмаларида намоиш этилган, — дейди Ивета Весенане. — Лекин Марғилонда мен катта имтиҳондан ўтдим. Чунки бу юрт хунарманд ва усталарининг маҳорати юксак, табиий мато тўқимачилигидаги услуби тақдорланмас. Мен учун уларнинг берган баҳоси ғоятда қимматлидир.

Эш дизайнерларнинг либослари намоиши ва аънавий фольклор концерти фестивалига яқун ясади.

Муҳаммадхон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЭЪЛОН

Qishloq Qurilish Bank

АТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТЕРМИНАЛЛАР (ИНФОКИОСК) СОТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Таклифлар 2016 йил 30 сентябрь соат 16:00 гача қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-А уй
Тел: (+99871) 150-76-47, 150-76-48

plcard@qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihiiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
8786
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:20
Topshirilgan vaqti — 22:45

Sotuvda kelishilgan narxda

ҲИҚМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

БОЛ ТУТГАН БАРМОҒИН ЯЛАР

Бу — кишиларни меҳнат-севарликка чорловчи кўп-дан-кўп мақолларнинг бири бўлиб, унда «меҳнат қилган одам роҳатини ҳам кўради», деган фикр яширинган.

Қилди жонимга мени
ширин лабимг заъки, бале
Бу масаладурким, «Киши
бол тутса, бармоғин
ёлор»?

(Отойи)

БОЛАЛИ УЙДА СИР ЁТМАС

Турдошлари: «Болали уйда сир турмайди, боласиз уйда кир турмайди»; «Болали уйда ўғирлик ётмас»; «Болала айтилган сир — бойланмаган сир». Бу мақоллар билан: «Боланинг олдида ёхуд болага оиладан ташқарида чиқмаслиги лозим бўлган сирли гапларни гапирмаслик керак. Чунки бола бунинг фарқида бормай, хар ерда ва хар кишига айтиб, ошкор қилиб қўйиши турган гап», демоқчи бўладилар.

Оразин кўрдум нихон
ашк айллади сиримни
фоти,

Ёшурон қолмас ўғрулук
уй ароким бўлса ёш.

(Навоий)

БОШ ОМОН БЎЛСА, ДЎППИ ТОПИЛАР

Бу мақол: «Одам учун энг зарур нарсаси, энг катта бойлик — тани соғлиқ. Соғлиқ бўлса, бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин, аммо ҳеч бир нарсаси билан соғлиқни топиб бўлмайди», деган маънода ишлатилади. Бирор нарсаси муҳтожликдан, етишмовчиликдан ҳасрат қилган одамга тасалли берганда ҳам қўллайдилар. Турдошлари: «Жон бўлса, жаҳон топилар, ош бўлса — қозон»; «Омон бўлса бу бошим, яна чиқар бу сочим»; «Боши омоннинг — моли тугал».

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³. ► Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливочные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³. ► Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

БУГУН	Об-жаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+32	+17
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+33	+18
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+33	+20
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+33	+20
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+32	+18
Тошкент шаҳри	+32	+17

«Ўздавнефтегазинспекция» жамоаси Тошкент вилоят ҳудудий бўлими бош мутахассиси Равшан Муродовга падари бузруквори

Абдусаттор отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси меҳнат фахрийси

Марфуа АБДУКОДИРОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6